

Чақалоққа айтиладиган азоннинг ҳикмати...

15:01 / 26.04.2016 4956

Чақалоққа айтиладиган азоннинг ҳикмати, тартиби, йўл-йўриқлари ҳақида маълумот берсангиз.

Янги туғилган гўдак фарзанднинг ўнг қулоғига намозда айтиладиган азонни чап қулоғига намозда айтиладиган такбирни айтиш шариатда бор, ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи. Бу ишни Пайғамбаримиз с.а.в. нинг ўзлари қилганлар. Улуғ муҳаддисларимиз ривоят қиладиларки саҳобаи киромлар айтадилар "биз Расулуллоҳ с.а.в. нинг Фотиманинг ўғли Хасаннинг қулоғига намозга айтиладиган азонни айтаётганларини кўрдик, эшитдик" дейдилар. Бу ишда яъни янги туғилган гўдак фарзанднинг қулоғига азон ўнг қулоғига чап қулоғига такбир айтишда улуғ бир ҳикмат бор, буюк бир рамз бор. У ҳам бўлса бу бола энди туғилди ҳали унинг қулоғига турли овозлар киргани йўқ. Биринчи қулоғига кирадиган овоз Аллоҳ Акбар бўлсин, шаҳодат калималари бўлсин илоҳий мадҳия бўлсин токи бу фарзанд умри давомида фақат яхши сўзларни, гўзал овозларни илоҳий маъноларни эшитиб юрсин деган умиддир. Ана шу маънода шариатимизда янги туғилган фарзандларни азон ва такбир айттириш жорий қилинган. Буни жуда бир қаттиқ шарт шароити йўқ. Шу азон такбир айтишни биладиган иложи бўлсаъ ибодатли дуогўй бир инсон азон ва такбирни айтиб қўйса бўлди. Осон ва содда бир ҳолатда юзага келади, иншооллоҳ яхшиликка хайр, баракага сабаб бўлади.